«Кизил Ўзбекистон» нинг шу йил 27 июл сонида ўрток Назир Тўракуловнинг «Хамлет» таржимаси тўгрисида бир маколаси босилиб чикди.

Мазкур макола муносабати билан куйидаги уч нарсани кўпчиликка билдиришга шошиламан.

1. Назир ака «Хамлет» таржимасини келтирган мисолларига караганда русча таржималарининг тизилмалиси (назмлиси) билан солиштирган. Холбуки мен таржима килган нусха сочмали (насрли) бўлиб инкилобдан бурун босилган. Мен таржимага киришганимдан бурун у нусхани инглиз адабиёти билгичларидан ўрток Лан инглизчаси билан солиштириб чикиб, кўп жойларини мумкин кадар аслига якинлаштириб берган. Мазкур нусха хали хам ўрток Ланнинг кутубхонасида сакланади. Мен, ана ўша нусхадан бўлган таржима учунгина жавобгарман.

Таржима билан таржима орасида, айникса тизмали билан сочмали орасида катта фарк бўлади.

2. «Хамлет»дай бир асарнинг таржимасида бир неча хато кетмасдан иложи йўк. Ўша хатоларни хайрихохлик асосида кўрсатувчиларга ташаккуримни билдириб, келажакда тузатишга ваъда бераман. Бир нечта тўгри кўрсатилган таржима хатолари Назир ака маколасида хам бор; бунинг учун у кишига хам ташаккур.

3. Ўрток Лан кўлидаги нусхани олдириб мен килгон таржиманинг оригиналига солишдириб чикиб, натижасини матбуотда зълон килиш керак. Бунинг учун яхши-яхши таржимонлардан иборат бир кўмисия тузилса яхши бўларди. Кўмисия тузиш вазифасини мен Ўзбекистон Ёзувчилари союзининг республика кўмитасидан сўрар эдим.

_____

Бошкармага хат. — Мазкур макола Н. Тўракуловнинг «Хамлет»га тухмат» («Кизил Ўзбекистон», 1936, 27 июль) номли чикишига жавоб тарикасида ёзилган ва «Кизил Ўзбекистон»нинг шу йил 28 июль сонида эълон килинган.

Назир Тўракулов (1892—1939) — йирик давлат арбоби, журналист, тилшунос олим. 20—30-йилларда вактли матбуотда катор маколалари, турли тахаллуслар билан имзоланган шеърлари эълон килинган. Катагон курбонларидан.